




МАРФАТ

معرفت
MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси


1931 йилдан чиқа бошлаган

1993 йил 3 ноябрь, чоршанба

№ 67 (6578).
Баҳос сотувда эркин нархда.

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧГАН САФАР

ЯССАВИЙ ДАҲОСИ



Бизнингча, Франция Республикаси билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада катта имкониятлар очиб беришга қодир, шунингдек, бу ҳамкорлик Франция учун Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлар яратди. Биргаликдаги ҳаракатларимизнинг умумий мақсади маълум, у ҳам бўлса, Европа ва Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, эркин бозор савдо-сотиғини кенгайтириш, фуқароларимизга муносиб турмуш тарзини таъминлаш, тинчлик, инсонпарварлик, маънавият сари интилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Франция Президенти номидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқидан.

Манинг имзолашни давлатларимиз ва халқларимиз олдига янги истиқболлар очди. Французларнинг феъл-шундайки, улар муҳим бир қарорга келишдан олдин вази яттин узоқ ва батафсил ўрганади, ҳамма нарсани тарозига солиб қўради. Бир қарорга келгандан кейин эса, бу қарордан асло қайтмайди.

Ишбилармонлар Кенгаши вице-президенти Филипп Жискар Д'эстен олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Франциянинг ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан ўта манфаатдор эканини таъкидлади. Бироқ улар маблағ ўтказиш, йирик лойиҳаларга сармоя сарфлашдан олдин савдо ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳаларидаги аҳолини муфассал ўрганишлари зарур. Шунинг учун ҳам бу учрашув ҳамкорлик истиқболлари ва Франция ишбилармонлар доиралари намоёндаларининг манфаатларига оид жуذا кўп саволларга жавоб бериши лозим.

— Жаноб Президент, — деди Филипп Жискар Д'эстен, — Кенгашимиз аъзоларини биринчи навбатда учта муҳим саволга берадиган

жавобларини қизиқтиради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг қандай ўстивор йўналишлари бор, қўйилган капитал маблағ қай даражада фойда беради, француз ишбилармонларига қандай нафолатлар бера оласиз? Мамлакатимиз молиявий сўбастининг асосий принциплари нималардан иборат. Россия билан муносабатларини қандай. Ўзбекистон рубль зонасида қоладики? Ва сўнгги савол: Ўзбекистон Марказий Осиё бозорини яратиб ташаббускорлардан бири бўлиб қиққан эди. Ҳозир республикангизнинг яқин қўшнилар билан муносабати қандай, қўшилиш жараёнлари қандай борапти?

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Францияда давлат миқомидаги таширифи ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлаш борадидаги муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

...Ўзгал, мислизи Париж юксак мартабали меҳмонларини кўлаб кутиб олган, бундай тантаналарга кўникиб кетган. Шундай бўлсада, Ўзбекистон раҳбарининг таширифи барчада алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунки,

Марказий Осиё минтақасидаги бу йирик мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳумкор. Французлар учун бу ишончли ҳамкорликнинг муҳим гаровидир.

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Ислам Каримовнинг Парижга таширифининг муҳимлиги ҳақида гапирар экан, бу таширифини шундай таърифлади: «Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон

Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли қўриқ бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган аломатлари етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу таширифдан кейин шунини ишонч билан айтиш мумкин, мамлакатимиз биз учун янада яқин бўлиб қолди. Янги Европа учун Париж хартиясининг ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартно-

манинг имзолашни давлатларимиз ва халқларимиз олдига янги истиқболлар очди. Французларнинг феъл-шундайки, улар муҳим бир қарорга келишдан олдин вази яттин узоқ ва батафсил ўрганади, ҳамма нарсани тарозига солиб қўради. Бир қарорга келгандан кейин эса, бу қарордан асло қайтмайди.

Ишбилармонлар Кенгаши вице-президенти Филипп Жискар Д'эстен олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Франциянинг ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан ўта манфаатдор эканини таъкидлади. Бироқ улар маблағ ўтказиш, йирик лойиҳаларга сармоя сарфлашдан олдин савдо ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳаларидаги аҳолини муфассал ўрганишлари зарур. Шунинг учун ҳам бу учрашув ҳамкорлик истиқболлари ва Франция ишбилармонлар доиралари намоёндаларининг манфаатларига оид жуذا кўп саволларга жавоб бериши лозим.

— Жаноб Президент, — деди Филипп Жискар Д'эстен, — Кенгашимиз аъзоларини биринчи навбатда учта муҳим саволга берадиган

жавобларини қизиқтиради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг қандай ўстивор йўналишлари бор, қўйилган капитал маблағ қай даражада фойда беради, француз ишбилармонларига қандай нафолатлар бера оласиз? Мамлакатимиз молиявий сўбастининг асосий принциплари нималардан иборат. Россия билан муносабатларини қандай. Ўзбекистон рубль зонасида қоладики? Ва сўнгги савол: Ўзбекистон Марказий Осиё бозорини яратиб ташаббускорлардан бири бўлиб қиққан эди. Ҳозир республикангизнинг яқин қўшнилар билан муносабати қандай, қўшилиш жараёнлари қандай борапти?

(Давоми 2-бетда).

Республикаимиз мустақилликка эришиб, эндиликда кўлаб давлатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий алоқалар ўрнатилмоқда. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Утган шанба кuni Тошкентдаги «Туркистон» саройида ўз иштини якунлаган «Абдий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий халқаро илмий-амалий конференцияси» ҳам ана шу эзгу ишнинг бир кўрсаткичи бўлиб қолди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, конференция ташкилий қўмитаси раиси Муҳаммадхон Қорабова очиб, улуг бобокалонимиз Аҳмад Яссавийнинг ибратли ҳаёти, эзгу ижодининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхтади. Бу муҳим анжуманда Марказий Осиё давлатларидан, Туркия ва Бошқирдистон

дан ҳам вакиллар ва меҳмонлар иштирок этдилар. Тантанавда республикаимизнинг кўзга кўринган зиёлиларидан Нахмиддин Комиллов, Иброҳим Гафуров, Озод Шарафиддинов, Садриддин Салим Бухорий, шорлардан Халима Худойбердиева, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мирза Кенжабек, шунингдек, туркиялик олимлар ва жамоат арбоблари — Ножи Тўсин, Суат Йилдирим, Ҳасан Комил Йилмаз, Мустафо Эсон, Ирфон Гундуллар Аҳмад Яссавий маънавий мероси ва туркий халқлар бирлиги, қардошлиги ҳусусида маърузалар қилишди.

Аҳмад Яссавийнинг илмий мероси, унинг ҳаёти ва фаолияти барча туркий мамлакатларда кенг ўрганилётганлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизжўев иштирок этди.

Муҳбиримиз.

ХИММАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Коникўл туманидаги «Сариқ олтин» давлат хўжалиги (директори Т. Жақсимуратов) химмат намунасини кўрсатиб, ўз маблағи ҳисобидан 840 ўрнили янги мактаб биносини қуриб берди. Қ. Ойнибетов номли мазкур мактабни тумандаги Қ. Бобоқонов раҳбарлик қи-

лаётган 325-қўйма механикалашган колониянинг бунёдкорлари барпо эттиди. Янги эиё масканда ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ғ. ЕҒУБОВ,
ўз муҳбиримиз.

ЎРНИ ЎЗГАЧА

Мустақил республикаимизнинг бўлғуси ворисларини замон талаби даражасида тарбиялаб, уларга таълим беришда, шунингдек, мактаб ва ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада юксалтиришда педагогик матбуот нашрлари, айниқса, «Маърифат» газетасининг ўрни ўзгачадир.

Лекин шаклланиб бораётган бозор иқтисоди муносабатлари вақтинчалик бўлса-да, севимли рўзнамаимизни ўз вақтида олиб ўқишимизда баъзи бир муаммоларни келтириб чиқараётганлигини ҳам сир тутолмайман. Бу ўқинчи муаммоларнинг юзага келётганлигидан катъи назар, шахримиз педагогларни газетани ўз вақтида олиб, ундаги муҳим материаллардан дастуриламел сифатида фойдаланишмоқда.

Айниқса, газетанинг давр талабидан келиб чиқиб, янги-янги руҳлар билан боғлиб бораётганлиги, маънавий қадриятларимизни халқ таълими тизимига бўлаётган муҳим ўзгаришлар, ёзувчи ва ижодкорларнинг таълим ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, илгор тажрибаларни оммалаштириш каби хайрли ишларни кўтариб

чиқарганлиги биз педагогларни изланишга, имкониятлар топиб улардан ўрнак олишга даъват этмоқда.

Умуман олганда, «Маърифат» газетаси педагогларимиз, жамоамиз учун муҳим қўлланмадир. Шу босқ ҳам келгуси кил учун шахар халқ таълими бўлиминизда обуна ишлари қизиги бормоқда. Аниқроғи, шу кунгача 650 нафар педагог ва тарбиячимиз «Маърифат»га обуна бўлдилар.

Энди шу ўринда газетанинг заҳматқаш педагог-журналистларига айрим таклифларимини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Газетанинг кун сайин яхшиланиб, ўқинчи бўлиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Бироқ «Устозлар ва шогирдлар», «Тарих сабоқлари», «Қадриятлар» каби руҳларни газетга саҳифаларида тез-тез ёритиб бориш фойдадан холи бўлмасди.

Омон ТўРАЕВ,
Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

ОБУНА-94

БАРЧАМИЗ ЁЗИЛДИК

Таълим тизимига сўнгги йилларда рўй бераётган чуқур ўзгаришлар таълим-тарбия мазмунини тубдан янгилаб юборди. Ана шундай янгиликлар биз педагогларга асосан «Маърифат» газетаси саҳифалари орқали етиб келаётди.

Шу билан бирга газетанда чоп этилаётган миқдорий тарбия, халқ педагогикаси, маънавий меросимизга оид ҳамда замонавий мавзудаги мақолалар ҳам бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек газетанда дарсликка қўшимча сифатида берилаётган кичик хабар ҳам ўқитувчилар боситига айланмоқда.

Газетанинг шундай жиҳатларини ҳисобга олиб, илм масканимиз муаллимларининг барчаси, яъни 34 ўқитувчи обуна бўлди.

Ойнахон ХУЖАМБЕРДИЕВА,
Жарқўрғон туманидаги 31-мактаб директори.

Кўрик-танлов

ШОҲСУПА ЭҒАЛАРИ



Ўқитувчи қандай бўлиши керак? Саволининг бундай тартибда қўйилишидан бир оз таажубланган газетхон «Албатта, ўз касбининг билимдон бўлиши керак-да!» дейишга тайин. Тўғри, ўқитувчи билимдонлигини муҳим фазилат. Лекин фақат шунинг эмас. Ўқитувчи ўзидан бор билимининг ўқувчиларга еткази олиши, яъни педагогик маҳоратига эга бўлиши ҳам лозим. Етказишда ҳам замонавий илгор усуллари қўлай олиши, янги технологияни воситаларидан ўрнили ва самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шундай дейишга ана савол туғилмади. Фақат шу уч фазилат бўлса қифойми? Йўқ, албатта. Энг муҳим фазилатини энди айтмоқчимиз.

Ўқитувчи, аввало, болалар қалбини йўл топа олиши, меҳрибонлиги, инсонийлиги билан ён қўнғилларда одамийлик гулхонини ёндира олиши лозим.

Айни кунларда жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида давом этаётган «Йил ўқитувчиси — 93» кўрик-танловда муаллимларимиз ана шундай фазилатларини намоён қилмоқдалар.

29 октябрь кuni шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги «Киночилар уйи»да бўлиб ўтди. Унда пойтахт тизимдаги туман кўрик-танловини ғолиблар — Собир Раҳимов туманидаги 134-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Василла Омонова, Яқкасарой туманига қарашли 73-илм масканининг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими Донохон Усмонова, Юнусобод туманидаги 3-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Ирина Черникова, Ҳамза туманидаги 283-билим даргоҳининг физика-астрономия фани муаллими Анатолий Шубин, Миробод туманидаги 125-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Валижон Эшқуяев, 197-Ақмал Иброҳимов туманига қарашли 197-илм маскан муаллими Анидадон Тўлағанова, Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мунира Тўлпнова, Сирғали туманидаги 285-билим даргоҳи физика-математика фани муаллими Лилия Николаенко ҳамда Мирзо Улугбек



туманидаги 279-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ирина Лобастовалар Республика кўриги йўлланмасини қўлга киритиш учун ўзаро беллашди. Танлов иштирокчилари маҳоратларини «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким бошчилигидаги 7 нафарлик ҳакамлар ҳайъати босқичма-босқич баҳолаб борди.

Эътибор қилганимиздек, иштирокчиларнинг уч нафари ўзбек тили ва адабиёти, яна уч нафари тарих ва бир нафардан мусиқа, физика-астрономия, физика-математика фани ўқитувчиларидир. Демак, «Йил ўқитувчиси — 93»да янгиимой фанлар ўқитувчилари кўпчилигини ташкил этди.

Эндиги гап бевосита шахар кўриги ҳақида. Танловнинг биринчи шартига кўра, туман ғолиблари шахар танловига келишларидан олдин ижодий иш (реферат)ларини ҳимоя қилиб, иш тажрибаларини синоддан ўтказишди, белгиланган мактабларда очиқ дарслар ўтиш-

ди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос янгиликка интилувчан, назарий билимли ва услубий жиҳатидан маҳоратли эканликларини амалда намоён этдилар. Бу беллашувда В. Омонова, Л. Николаенко ҳамда А. Тўлағановалар энг кўп балл тўпладилар.

«Киночилар уйи»даги беллашувда Василла Омонова мусобақанинг иккинчи — «Таржиман ҳол» шартини ўқувчилари билан бадиий тимсоллар орқали аъло даражада бажарганида кўпчилик ғолиб маълум бўлиб қолди, деяр ўйла-гап бўлса, ажаб эмас, лекин муаллима учинчи шарт — «Муаллимлик маҳорати»ни белгиланган муддатда бажара олмай, гоят зарур балларни бой бериб қўйди.

Муаллимлик маҳорати топшириғи юзасидан 30 секунд давомида қийин вазиятлардан чиқиб кетишда Донохон Усмонова ўз моҳирлигини кўрсата олди. Бироқ муаллимнинг очиқ дарсада бошқа иштирокчиларга нисбатан анча

кам балл тўплагани унинг совринли ўрнига кўтарилишига имкон бермади.

Шаҳар кўрик-танловининг тўртинчи — «Реклама» топшириғини туман ғолиблари ўз фани, касбининг аjoyиб маҳорати ила тарғиб этишлари зарур эди. Ушбу шарт юзасидан улар барча куч-ғайратларини ишга солишди. Айниқса, Ақида Тўлағанованинг иш услуби, кўп йиллик тажрибаси устуллик қилди.

Шундай қилиб, кўрик-танлов якунида А. Тўлағанова ҳамда А. Николаенко беллашувда бир хил натижага эришдилар. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, ҳар иккала ғолиб биринчи ўринга муносиб, деб топилиди. Натижада 18 — 19 ноябрь кунлари «Ўқитувчилар уйи»да бўлиб ўтадиган республика «Йил ўқитувчиси» кўригида беллашув ҳуқуқини қўлга киритди. Мунира Тўлпнова иккинчи, Василла Омонова учинчи ўринни эгаллашди.

Танлов якунида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Нўлдошев, Тошкент шаҳар Ҳокими маҳаммаси халқ таълими Бош бошқармаси бошлиги Ҳамидулла Нўлдошевлар ғолибларини самимий табриклаб, эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Танлов алоҳида таъкидлаш керакки, шу кuni шахар кўрик-танловда қатнашган 14 нафар ўқитувчидан биронтаси эътибордан четда қолмади. Уларнинг барчаси саҳнага таклиф этилиб, гулдўрос қарсақлар билан олқиланди. Совғалар, туллар тақдим этилди.

Қўрбонбой МАТҚУРБОНОВ.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдаги ҳаяжонли дақиқалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ
олган суратлар.

